



СУТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ДЕХҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ УЧУН ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИНГ РАҚАМЛИ МОБИЛ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ

Абдуллаева Севара Солижановна

Тошкент давлат иқтисодий университетини доценти

ARTICLE INFORMATION

Volume: 1

Issue: 3

DOI: https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss3/a13

ABSTRACT

Мамлакатимизда аёлга бўлган муносабат ўз тарихий илдиэларига эга. Аждодларимиз доимо аёлларни кадрлашга, уларга нисбатан ҳурмат ва иззатда бўлишга даъват этишган. Миллий тафаккур ҳар бир халқда кўп асрлар мобайнида шаклланади, унинг энг муҳим компонентларидан бири эса аёлларнинг оила ва жамиятдаги роли, ёш авлодни тарбиялаш масалалари ҳисобланади.

Хотин-қизлар, ҳуқуқ ва манфаат, гендер тенгликни таъминлаш, оила, оналик, болаликни ҳимоя қилиш, аёллар ўртасида тадбиркорлик.

KEYWORDS

Кириш

Мамлакатимизда аёлга бўлган муносабат ўз тарихий илдиэларига эга. Аждодларимиз доимо аёлларни кадрлашга, уларга нисбатан ҳурмат ва иззатда бўлишга даъват этишган. Миллий тафаккур ҳар бир халқда кўп асрлар мобайнида шаклланади, унинг энг муҳим компонентларидан бири эса аёлларнинг оила ва жамиятдаги роли, ёш авлодни тарбиялаш масалалари ҳисобланади.

Янги Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, гендер тенгликни таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш бўйича давлат сиёсати янги босқичга кўтарилди. Бугун мамлакатимизда аёллар иқтисодиётнинг барча тармоқларида ўз иқтидор ва имкониятларини намоён қилмоқдалар. Хотин-қизларни янгича ёндашув, янгича ғоя ва ташаббуслар билан чиқишларига кўмак бериш давр талабига айланмоқда.

Олима аёллар томонидан бажарилаётган илмий тадқиқотлар, саноат, кишлққ хўжалиги, ижтимоий-маърифий ва маданий соҳаларнинг ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Зеро, мамлакатимиз иқтисодиётининг юксалиши илм-фан ривожига боғлиқ. Бу эса ўз навбатида илм-фан соҳасида изланишлар олиб бораётган хотин-қизлар зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 31 январда олимлар, ёш тадқиқотчилар, илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари ҳамда ишлаб чиқариш тармоқлари корхоналари вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувида илм-фан соҳасида аёлларнинг ўрнини янада ошириш учун “Олима аёллар грантлари” танловини эълон қилиш юзасидан устувор вазифалар белгилаб берилган эди.

Мазкур вазифалардан келиб чиққан ҳолда, республикаимизда хотин-қизларни илм-фанга кенг жалб қилиш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг мавжуд муаммоларини ҳал этишга қаратилган илмий ҳажмдор маҳсулотлар ва инновацион технологияларни яратиш мақсадида Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ҳар йили эълон қилинадиган «Олима аёллар» ташаббускор илмий лойиҳалар танлови хотин-қизларнинг янги ғоя ва ишланмаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган.

2019-2021 йиллар мобайнида вазирликка хотин-қизларнинг инновацион ишланмалари ва стартап лойиҳаларини амалга ошириш бўйича келиб тушган мурожаатларнинг 13 тасини молиялаштириш

учун Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларидан 12 млрд 141 млн 786 сўм ажратилган.

А-КХ-2021-426-рақамли “Сут ишлаб чиқаришда деҳқон хўжаликлари учун хизмат кўрсатишнинг рақамли мобил тизимини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳа ҳам шулар жумласидан. Лойиҳа раҳбари сифатида ўз илмий-иждодий гуруҳимга 4 нафар иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа докторлари (PhD) ва 2 нафар олий ўқув юртлари талабаларини жамлаган ҳолда бугунги кунда кўплаб илмий натижаларга эришмоқдамиз. Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 690 294 800 сўмни ташкил этиб, 2021-2023 йилларда бажарилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида «Иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгиллашни назарда тутадиган рақамли иқтисодиёт миллий концепциясини ишлаб чиқиш асосида «Рақамли Ўзбекистон – 2030» дастурини ҳаётга татбиқ этиш, 2018 йил 7 майдаги «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3698-сонли қароридаги вазифаларнинг амалий ижросини таъминлаш мақсади мазкур истиқболли лойиҳа доирасида тадқиқотлар олиб бориш заруратини белгилаб берди.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий фаровонлигини оширишда деҳқон хўжаликларининг алоҳида ҳиссаси мавжуд. Бу энг аввало, уларнинг аҳолини бандлигини таъминлаш ҳамда турмуш фаровонлигини ошириш каби ижтимоий масалаларда қўшаётган ҳиссасининг ошиб бораётганлиги билан боғлиқдир. Бугунги кунда республикаимиз бўйича жами етиштирилаётган сутнинг 95 фоизидан ортиғи деҳқон хўжаликлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Шу боисдан ҳам сут қорамолчилигининг иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашга таъсир этувчи омиллар энг аввало деҳқон хўжаликларида ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлашга қаратилган бўлиши лозим, бироқ сут ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини ошириш биргина сут етиштириш ва уни бозорга таклиф қилиш билан ҳал этиладиган масала эмас.

Шунингдек, сайёраимизда тобора сезилиб бораётган глобал ҳарорат кўтарилиши ходисаси, турли давлатларда намоён бўлаётган демографик вазият иқтисодиётнинг барча тармоқларига, айниқса кишлққ хўжалигига ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатмоқда.



Мамлакат аҳолисининг маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилган сифатли ва арзон чорва маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш асосан деҳқон хўжаликларини ривожлантириш тадбирларига бевосита боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида соҳага замонавий ва инновацион услубларни жорий этишни тақозо этади.

“Сут етиштиришда деҳқон хўжаликлари учун хизмат кўрсатишнинг рақамли мобил тизимини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида қуйидаги муҳим натижаларга эришилди:

сут етиштирувчи деҳқон хўжаликлари хусусиятларидан келиб чиқувчи ҳамда ҳудудлар шароитини ҳисобга олувчи энг зарур хизматлар классификацияси яратилди;

сут етиштирувчи деҳқон хўжаликлари учун талаб этиладиган хизмат турлари, сутчилик тармоғида қўшилган қиймат яратиш

(тайёрлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш каби) имкониятини кенгайтириш билан боғлиқ хизматлар блоки шакллантирилди;

сут маҳсулотлари етиштирувчи деҳқон хўжаликларига илмий-амалий маслаҳатлар берувчи субъектлар ва улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар йўналишлари бўйича тизимлаштирилди;

эркин бозор шароитида деҳқон хўжаликларига кўрсатиладиган хизматлар пулли бўлишини инобатга олиб, пулли ва текин кўрсатиладиган хизматлар гуруҳлари шакллантирилди.

Шунингдек, амалий лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ тизимли тадбирларга “MILKSERVICE” мобил иловасини яратиш режаси киритилган. Тадқиқот натижаларини ўзида ифодалаган инновацион маҳсулот “Android” операцион тизимида ишлайдиган дастурга жамланади ҳамда смарт телефонлар орқали деҳқон хўжаликларига етиб бориши таъминланади.

Ушбу дастурий маҳсулот деҳқон хўжаликларида сут ишлаб чиқариш ва истеъмол занжиридаги барча хизмат кўрсатиш жараёнлари бўйича шаффоф электрон маълумотлар базасини ўз ичига олади.

MILKSERVICE” мобил иловасига рўйхатдан ўтиш усули билан кирилади. Ҳар бир фойдаланувчи таркиби, сифати, нархи ва ассортиментига кўра ўзига мос хизмат турини маълумотлар базасидан кидириб топиши, хизматни тақдим этувчи билан мулоқотга киришиш имконига эга бўлади. Айни пайтда юборилаётган мобил сўровлар орқали ҳудудлар кесимида деҳқон хўжаликлари сони, қорамоллар ҳаракати, хизмат турларига талаб ва таклифнинг шаклланиши ҳақида маълумот олиш имконияти яратилади. Бу эса деҳқон хўжаликлари бўйича статистик маълумотларни жамлаш, бандликка қўмаклашиш, насли қорамоллар генофондини шакллантириш ва мамлакатимиздаги эпизоотик ҳолатни яхшилаш тадбирларида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.